



**ТУРЛИ ХИЛДАГИ ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ БИЛАН
ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА ТАНА ТУРЛИ ҚИСМЛАРИ
МОРФОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЭХОКАРДИОГРАФИК
КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛИҚЛИК
ДАРАЖАЛАРИ**

Саидова Садоқат Йўлдошова

Бухоро давлат тиббиёт институти

Аннотация: Тақдим этилаётган илмий ишда турли шаклдаги туғма юрак нуқсони билан туғилган болаларда тана турли қисмларининг антропометрик кўрсаткичларининг эхокардиографик кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлик даражалари келтирилган.

Калит сўзлар: юрак, ЭХОКГ текишируви, морфометрик кўрсаткичлар, оқ нуқсонлар, кўк нуқсонлар.

Мавзунинг долзрблиги

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, барча ўлим ҳолатларининг 56 фоизи юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқади. Европа мамлакатларида юрак-қон томир касалликлари йилига 4,3 млн (48%) аҳоли ўлимига сабабчи бўлади. Шимолий мамлакатлардан Америкада туғма юрак нуқсони билан туғилиш кўрсаткичи тирик туғилган болалар орасида - 8,2/1000 тани ташкил этади [4,6].

EUROCAT институти маълумотларига кўра, Ғарбий Европа мамлакатларида туғма юрак касалликларининг ўртача тарқалиши 1000 болага ўртача 8,0 та ни ташкил қилади. Россияда ҳар йили 10 000 га яқин бола туғма юрак касаллиги билан туғилиб, неонатал даврда уларнинг 30-50 фоизида жиддий нуқсонлар келиб чиқади [1,5]. UZSTAT маълумотларига кўра, Ўзбекистонда демографик ва меҳнат статистикаси 2019 йилда чақалоқлар ўлими 1000 тирик туғилганга 9,3 ни ташкил этган. Ҳозирги кунга келиб,



республика неонатал даврдаги болалар ўлимининг 57%и ни беш ёшгача бўлган болалар ташкил қилади [2,7].

ТЮН лари орасида қоринчалараро тўсиқ нуқсонлари (ҚТН) энг кенг тарқалган булиб, умумий тузилишда эса 20% ҳолларда изоляция қилинган ҚТН ли болалар мавжуд. Кичик, гемодинамик жиҳатдан аҳамиятсиз мушак нуқсонларининг 90% га яқини боланинг 10 ойлигида ўз - ўзидан ёпилиши аниқланган. Ҳажми бўйича ҚТНлар кичик (4 мм гача) ва кенг бўлиши мумкин. 30 - 50% ҳолларда ҚТН юқори ўпка гипертензияси (ЎГ) ривожланиши билан мураккаблашади, бу эса прогрессив ҳисобланади. Ўпка артериясидаги бу босим очик артериал йўлининг (ОАЙ) диаметрига боғлиқ эмас [3,8].

Тадқиқот мақсади. Бухоро вилоятида туғма юрак нуқсонлари билан туғилгандан 3 ёшгача бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг эхокардиографик кўрсаткичларга боғлиқлик даражаларини ўрганиш.

Тадқиқот материал ва усуллари

Мазкур ишда Бухоро вилоятида янги туғилгандан 3 ёшгача туғма юрак нуқсони билан туғилган болаларда тана турли қисмлари морфометрик параметрлари ва эхокардиографик текширув таҳлили тақдим этилган. Текширув мақсадида соғлом ва туғма юрак нуқсони билан туғилгандан 3 ёшгача бўлган 99 нафар болаларда ўтказилди.

Болалар ёши	1-28 кун	1 ёш	2 ёш	3 ёш
Соғлом болалар сони	10	15	18	16
Тюн болалар сони	8	10	12	10

Тадқиқот натижалари



Туғилгандан 3 ёшгача бўлган соғлом, оқ нуқсон ва кўк нуқсон билан туғилган болалар юрак эхокардиографик ва антропометрик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқлик натижалари

Антропометрик кўрсаткичлар (см)	Болалар	Соғлом	оқ нуқсон	кўк нуқсон
бўй узунлиги	Ўғил	0,95***	0,96***	- 0,96***
	Қиз	0,94***	0,95***	- 0,94***
тана вазни (кг)	Ўғил	0,93***	0,98** *	- 0,98***
	Қиз	0,91***	0,95***	- 0,96***
бош ўлчамлари	Ўғил	0,95***	0,99***	- 0,88***
	Қиз	0,93***	0,97***	- 0,85***
кўкрак айланаси	Ўғил	0,76***	0,87***	- 0,95***
	Қиз	0,73***	0,85***	- 0,94***
қорин айланаси	Ўғил	0,94***	0,99***	- 0,98***
	Қиз	0,92***	0,98***	- 0,97***
юқори мучалар	Ўғил	0,86***	0,79***	- 0,76***
	Қиз	0,77***	0,76***	- 0,79***
пастки мучалар	Ўғил	0,97***	0,89***	- 0,80***
	Қиз	0,96***	0,87***	- 0,78***

Изоҳ- *** кучли тўғри корреляция, ** - тўғри ўртача корреляция, * - тўғри кучсиз корреляция ., ***(-) - тескари кучли корреляция, **(-) - тескари ўртача корреляция, *(-) - тескари кучсиз корреляция

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, чакалоқликдан 3 ёшгача бўлган болаларда юрак эхокардиографик ва антропометрик кўрсаткичлар орасида корреляцион боғланишлар аниқланганда, соғлом ва оқ нуқсон билан туғилган болаларда тўғри кучли, кўк нуқсон билан туғилган болаларда эса тескари кучли корреляция аниқланди.

Хулоса

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики соғлом ҳамда турли шаклдаги туғма юрак нуқсони билан туғилган болалар антропометрик



кўрсаткичлари ва эхокардиографик кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланишлар таққосланганда туғма юрак нуқсонининг оқ тури билан туғилган болаларнинг тана турли қисмларидаги морфометрик кўрсаткич натижалари билан эхокардиографик кўрсаткичлар мутаносиб равишда, туғма юрак нуқсонининг кўк тури билан эса номутаносиб натижалар исботланди. Бундан кўриниб турибдики кўк нуқсонли болаларда антропометрик кўрсаткичлар ўсиш даражаси, эхокардиографик кўрсаткичлардан орқада қолаётганини исботлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Yuldashevna, S. S. (2022). Analysis of Factors for the Occurrence Congenital Heart Defects in Children. *Miasto Przyszłości*, 24, 179-181.
2. Saidova, S. Y. (2022). Echocardiographic and Anthropometric Analyzes of Children Born with Tetrad of Fallot. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(11), 369-373.
3. Saidova, S. Y. (2021). Revealing echocardiographic and anthropometric changes in children from birth to 3 years old with congenital heart defects. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1071-1075.
4. Саидова, С. Ю. (2022). Выявление эхокардиографических и антропометрических изменений у детей, рожденных с врожденными пороками сердца (0-1 года). *Журнал биомедицины и практики*, 7(3).
5. Саидова, С. (2021). Юрак туғма нуқсонлари билан янги туғилгандан 3 ёшгача булган болаларда антропометрик ўзгаришларни аниқлаш. *Общество и инновации*, 2(2/S), 439-445.
6. Саидова, С. (2021). Выявление антропометрических изменений у детей от рождения до 3-х лет с врожденными пороками сердца. *Общество и инновации*, 2(2/S), 447-454.
7. Saidova, S. Y. (2021). A study regarding revealing echocardiographic and anthropometric changes in children from birth to 3 years old with congenital heart defects. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 395-399.